УзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Тез кўрсатилган палата УзССР

ГАЗЛИ КУДУҚЛАРИ

Газлилик оловкорлар янги заҳираларнинг халқ хўжалигига хизмат қилишини таъминлашда тинимсиз меҳнат қилишяпти. Яқинда ҳар бирининг заҳираси минглаб кубометрдан зиёд бўлган янги қудуқлар ишга туширилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу қудуқлардан олинаётган "зангори олов"ни катта харажат сарфлаб тозалашга ҳожат йўқ. Чунки унинг таркиби Аляска ҳудудидан чиқаётган газга жуда яқин. Мутахассисларнинг фикрича, яқин орада ўзлаштириладиган яна 13 та қудуқдаги газ худди шундай хусусиятга эга. Уларнинг заҳираси 15 миллиард кубометрдир.

Даврон БАҲРОНОВ.

ЭЛ СОҒЛИҒИГА ҒАМХЎРЛИК

Қўшработ туманида тиббиёт масканлари қурилишига катта эътибор берилаётир. Бу албатта эл соғлиғига ғамхўрлик демакдир. Туман ҳокими Мансур Қўшбоевнинг шахсан ташаббуси ва саъй-ҳаракати туфайли бу йил аҳоли зич яшайдиган жойларда ўнта қишлоқ врачлик пункти ҳашар йўли билан бунёд этилди. Халқ ҳашарини вилоят ҳокими ҳам муносиб баҳолади. У янги саломатлик масканларини тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш учун 5 миллион сўм маблағ ажратди.

Бобо САРОЙИЙ.

МУРУВВАТ КУНДА КЕРАК

Косонлик Шуҳрат Давронов уйи ёниб, етти нафар фарзанди билан ночор қолганда одамлар ёрдам қўлини чўзишди. Уларнинг ёрдами билан янги уй қуриб олди. Гилам, жиҳозлар беришди. Косон тумани ҳокими Убайдулло Исмоиловнинг айтишича, бу серфарзанд оилага навбатсиз уч хонали янги уй ҳам берилибди.

Юнус УЗОҚОВ.

ГОЛЛАНДИЯ ПИШЛОҒИ

Навоий вилоятидаги "Гўшт-сутсаноат" ишлаб чиқариш савдо компанияси харидоргир маҳсулотлар тайёрламоқда. Хусусан, сариёғ, қаймоқ, қатиқ каби маҳсулотларга талаб катта. Яқинда пишлоқ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Голландия технологияси асосида тайёрланаётган пишлоқ янги цехда кўплаб чиқарилмоқда. Цехни эса "Югпроммонтаж" трести қурувчилари бунёд этдилар.

Музаффар ШАРОПОВ.

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ЙИЛ ЎЙИНИ, ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 18 ноябрь, сешанба № 135 (22.218).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ АНҚАРАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг таклифига биноан, расмий ташриф билан Анқарага жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга интервью бериб, жумладан бундай деди:

— Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган ва биринчилар қаторида биз билан дипломатия муносабатларини ўрнатган давлатдир. Ушбу сафардан мақсад Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги мавжуд алоқаларни янги босқичга кўтаришдан иборат. Туркия ҳукумати билан ўтказилажак расмий учрашувлар ва музокаралар якунида сиёсий ва иқтисодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, божхона, соғлиқни сақлаш ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги талай ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Бундан ташқари, сафар давомида Туркиядаги йирик банклар, фирма ва компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Бу мулоқотларда Ўзбекистонга Туркия сармояси жалб этилишини янада фаоллаштириш, янги қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, Ўзбекистонда Туркия технологияси асосида автобус ишлаб чиқарадиган завод қурилишини тезлаштириш масаласи ҳам кўрилади.

Тошкент аэропортида Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ АНҚАРАГА ЕТИБ КЕЛДИ

АНҚАРА, 17 ноябрь (ЎзА махсус мухбири Шуҳрат Умиров хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация Туркия пойтахти — Анқарага етиб келди.

«Эсенбуға» аэропортида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикасининг Давлат байроқлари билан безатилган аэропортда Ислом Каримовни Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл илиқ кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар Президентимизга анвойи гуллар тақдим этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига фахрий қоровул саф тортди. Замбарак садолари остида Ўзбекистон ва Туркия Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортда Президентлар оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот беришди. Унда Ислом Каримовнинг Туркияга мазкур ташрифи икки мамлакатнинг барча соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришига хизмат қилишидан умид билдирилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Сулаймон Демирэл ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президентининг қароргоҳига йўл олди.

Қароргоҳда Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Сўнгра Ислом Каримов ўзи учун махсус ҳозирланган «Жомли қўшк» қароргоҳи томон йўл олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Бугун Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи таъсис этилган кун. Мустақил юртимизда ўз байроғимиз ҳилпираётганига ҳам олти йил бўлди.

* * *

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг қарийб 90 фоизи хорижга экспорт қилинади. Яқинда Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган халқаро кенгашда «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмасининг Қорақалпоғистон бирлашмасига қарашли Халқобод ва Беруний пахта тозалаш корхоналаридан юборилган пахта толасига «Сифат учун халқаро олтин юлдуз» соврини берилди.

* * *

Низомий номидаги ТДПИ Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитаси ва республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси билан биргаликда Инсон манфаатлари йилига бағишлаб «Ўзбекистон мустақиллиги — унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолатлари» мавзуидаги иккинчи республика илмий коллоквиумининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича кичик 4-секцияси бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор «Таълим қонуни» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажариш масалаларига қаратилди.

* * *

Пойтахтимиздаги республика таълим марказида «Ўзбекистон — Қозоғистон» дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлди. Бу жамиятнинг тузилиши Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳамда халқларимизнинг абадий дўстлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

* * *

Кеча Тошкентда БМТнинг иқлим ўзгариши муаммолари бўйича конвенцияси доирасида Марказий Осиё республикалари фаолиятига бағишланган халқаро семинар бошланди.

Марказий Осиё республикалари ҳамда Буюк Британия, Германия, Швейцария, Голландия, Покистон каби мамлакатлар вакиллари, шунингдек, БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури (ЮНЕП) ва Жаҳон банки мутахассислари иштирок этаётган мазкур анжуманда иқлим ўзгариши, бунинг оқибатида келиб чиқадиган муаммолар хусусида сўз борди.

ОРЗУ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗ — МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Самарқанд шаҳри жамоатчилиги билан учрашувда сўзлаган нутқи

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Шарқ жавоҳири, бой тарихимизнинг рамзи бўлган Самарқанд шаҳрида сизларнинг номингиздан «Хиллари Клинтон хоним, Ўзбекистонга хуш келибсиз!» деб такрор-такрор айтишни истардим. Бугун бу ерда ҳозир бўлган барча америкалик дўстларимизга ҳам чин қалбимдан: «Хуш келибсиз!» дейман.

Мен аввало Клинтон хонимга Ўзбекистонга ташриф буюриш учун имконият ва вақт топгани, Бухоро ва Самарқандни кўриш истагини билдиргани учун сизларнинг номингиздан самимий миннатдорлик билдиришни истайман. Мен буни Америка Клинтон хоним сиймосида Ўзбекистонга кўрсатаётган катта ҳурмат ва катта қизиқиш деб биламан.

Биз бу ташрифда Ўзбекистон ва Қўшма Штатларнинг бир-бири билан яқин бўлишга, бир-бирини яхшироқ тушунишга тобора кўпроқ интилаётганини кўриб турганимизни айтмоқчиман. Энг муҳими — мамлакатларимиз бир-бири билан ҳамкор бўлишга, агар жоиз бўлса, ҳар жиҳатдан стратегик ҳамкор бўлишга тобора кўпроқ интилаётганини кўриб турибмиз.

Клинтон хонимнинг, оммавий ахборот воситалари намояндаларининг ҳозир бўлганидан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбари сифатида шу минбардан туриб мамлакатимиз Қўшма Штатлар учун очиқлигини яна бир бор айтмоқчиман. Биз Қўшма Штатларнинг вакиллари Ўзбекистонда кўпроқ бўлишини хоҳлаймиз. Биз АҚШ билан чуқур ва узоқ муддатли ҳамкорликка тайёрмиз.

Мен бу сўзларни кимлар олдида гапираётганимни жуда яхши биламан. Бунда жуда катта маъно бор. Мен бу ерда Қўшма Штатларнинг биринчи хонимининигина эмас, ўз ҳаётини инсонпарварлик ғояларига бағишлаган кишини ҳам қутлаб турганимизни айтмоқчиман. Хиллари Клинтон хоним амалга ошираётган улкан ишлар ҳозир бутун дунёда эътироф этилмоқда. Мен унинг барча хизматларини, болаларни ҳимоя қилиш, одамларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, бутун дунёда зўравонлик бўлмаслиги учун, миллати, танининг ранги, диний эътиқодидан қатъи назар, жамиятда барча кишилар ҳақиқий инсон сифатида яшаши йўлида амалга ошираётган ишлари учун Хиллари Клинтон хоним олган барча мукофотларни санаб ўтирмайман.

Мен Клинтон хонимнинг хотин-қизлар ва болалар бахти йўлидаги фаолиятини алоҳида таъкидлайман. У хотин-қизлар, ҳозир дунёга келаётган гўдаклар яхши яшаши учун, аёл киши жамият ҳаётида муносиб ўрин тутиши учун жуда катта иш қилмоқда.

Мен ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хотин-қизларимизга, оналик ва боларикни муҳофаза қилишга катта эътибор берилаётганини яна бир бор таъкидлаб ўтишни истардим. Шу сабабли биз Хиллари Клинтон хоним бу борада халқаро майдонда қилаётган ишларининг аҳамиятини яхши англаймиз.

Шуни ҳам таъкидлаш ло-

(Давоми 2-бетда).

БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОР ВА ДЎСТ БЎЛИШДАН ФАХРЛАНАМИЗ

АҚШнинг биринчи хоними Хиллари Клинтоннинг Самарқанд шаҳри жамоатчилиги билан учрашувда сўзлаган нутқи

Ташаккур. Президент жаноблари, сизнинг АҚШ Президенти шаънига айтган илиқ гапларингизни ҳамда унинг Ўзбекистонга ташриф буюриши тўғрисидаги таклифингизни албатта унга етказаман, деб ишонтираман. Бу ўринда унинг мен ўзидан олдин Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан бироз афсусланганини ҳам таъкидлашим лозим. Имконият пайдо бўлиши биланоқ у ғўзал юртингизга ташриф буюриш ва бу ўлка билан танишиш истагида эканини яхши биламан. Мен бу ташрифнинг албатта амалга ошишига умид билдираман. Сиз ҳамда Каримова хонимга менга сизлар ва халқингиз кўрсатган самимий меҳмондорлик ва иззат-икром учун миннатдорлик билдираман. Бу ерда ўтказган икки ярим куним мобайнида мен Тошкентда жуда кўп соҳаларда ишлайдиган ҳамда бошқа ишбилармон аёллар билан танишиб, улар билан ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар фаолияти борасида фикр алмашдим. Тошкентдаги университет талабалари ҳамда Бухородаги мактаб ўқувчилари билан учрашувларда улар билан инглиз тилида гаплашдим. Қўшма Штатларда амалга оширилаётган ишлар, менинг бу ёшлар ҳамда Ўзбекистон ҳақида фикримни сўраб берган саволларига жавоб қайтардим. Уларга таҳсинлар айтдим. Чунки, мен дунёнинг турли бурчакларида таълим олаётган талабалар билан учрашганман — мен бу гапларни Самарқандда турганим учунгина айтаётганим йўқ — бу гапларни ватанимга қайтиб борганимдан сўнг ҳам такрорлайман — лекин бирон жойда Тошкент ва Бухородаги ёшлар сингари астойдил тайёргарлик курган, мазмунли саволлар берган йигит-қизларни учратмаганман.

Мен шунингдек, мамлакатингизнинг қадимий ёдгорликлари билан танишиш шарафига муяссар бўлдим. Шу боис бутун дунё кишиларига бу обидаларни зиёрат қилиш имконини яратиб бергани учун Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари аҳолисига миннатдорлик билдираман. Қадимий ва замонавий Ўзбекистонни ўз кўзим билан кўриш бахтига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Бугун эрталаб мен Каримова хоним билан бирга Бухородаги яҳудийлар синагогасига бордим. Яҳудийларнинг бу қадимий жомеъси раввини менга сиз, Президент жаноблари ҳамда сиз бошқараётган ҳукумат дин эркинликлари асосларини қайта тиклаётганингиз ҳамда диний ва маданий тотувликни таъминлаётганингиз ва рағбатлантираётганингизни гапириб берди. Каримова хоним менга совет коммунистик тузуми даврида фуқаролар ўз динларига эътиқод қилиш ҳамда асрлардан буён давом этиб келаётган тўй ёки аза билан боғлиқ урф-одатлар тақиқлаб қўйилганини гапириб берди. Худога шукур, бу даврлар орқада қолди. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли динга мансуб кишилар ўз динига эътиқод қилиши мумкин.

Президент жаноблари қайд этганидек, ўзларининг истеъдоди, имконияти ва жуда кўп турли-туман анъаналар билан боғлиқ орзу-умидларини юзага чиқараётган турли миллат вакиллари Марказий Осиёдаги мана шу нуфузли маданият марказида тинч-тотув яшаб келмоқда. Мен Самарқанд ҳамда Ўзбекистонга турмуш ўртоғим, Президент Билл Клинтон ҳамда Америка халқи номидан халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек сизларнинг демократия, фуқаролар жамиятини барпо этиш ва барча фуқароларга ўз орзуларини амалга оширишида ёрдам бериши лозим бўлган иқтисодиётни барпо этиш борасида эришган муҳим ютуқларингизни ўз кўзим билан кўриш учун ташриф буюрганман.

(Давоми 2-бетда).

САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ОЧИЛДИ

17 ноябрь. Муҳташам Халқлар дўстлиги саройи байрамона безатилган. Саҳна тўрида Ўзбекистон ва Украина давлат байроқлари, республикамизда ўтказилаётган дўст мамлакат маданияти кунлари рамзи нур таратиб турибди. Тантанавор мусиқа янграб, республикамизда қардош мамлакат маданият кунларининг бошланишидан дарак беради.

Республика Бош вазири Ў. Султонов украиналик меҳмонларни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Ўзбекистон ҳукумати номидан табриклаб, ўзбек заминида бошланаётган Украина маданият кунлари иккала халқ ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди. Зеро, истиқлол ўзбек халқига ҳам, украин халқига ҳам кенг тараққиёт уфқларини очиб берди. Тарихий қадриятларни, миллий анъаналарни тиклаш, маданиятни янада юксалтириш имкониятларини яратди. Байрам кунларида халқларимиз эришган ана шу ютуқлар яққол намоён бўлади.

Украина Бош вазирининг ўринбосари, делегация раҳбари В. Смолий дўст халқ маданият арбоблари ва санъаткорлари самимий кутиб олинганлиги учун миннатдорлик билдириб, биз бу байрамга украин халқи кейинги йилларда турмушнинг барча соҳаларида, айниқса санъатни ривожлантиришда қандай ютуқларга эришганини намойиш этиш учун келдик, деди. Айни вақтда санъаткорларимиз истиқлол йилларида ўзбек халқи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритган ютуқлар билан танишадилар. Бу эса икки халқни бир-бирига яқинлаштиришга, маданиятларимизни ўзаро бойитишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, биз украин халқининг кўп асрлик тари-

(Давоми 2-бетда).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Ўтган якшанба куни АҚШ Президенти Билл Клинтон билан Россия Президенти Борис Ельцин сим орқали мулоқот ўтказишди. Суҳбат давомида асосан Ироқ атрофидаги вазиятга эътибор берилди. Икки томон ҳам халқаро жамоатчилик эътиборини вужудга келган вазиятни музокаралар йўли билан ҳал этиш зарурлигига қаратдилар. Президентлар Хиллари Клинтон билан Наина Ельцина ўртасидаги Екатеринбургда бўлиб ўтган учрашувдан мамнун эканликларини билдиришди. Улар икки томонлама муносабатларнинг бу усули мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтишди.*

* * *

☑ *АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг «Жорж Вашингтон» авиаташувчиси Сувайш каналига кириб келди. Пентагон вакилининг хабарига кўра, 15 соатдан сўнг ушбу кема Қизил денгизга чиқади ва Арабистон ярим ороли орқали Форс кўрфазига келади. Авиаташувчи Ўрта ер денгизини тарк этиб, Ироқ қирғоқларига келгуси ҳафтада яқинлашиб келади.*

«Жорж Вашингтон» денгизда пайдо бўлгандан сўнг Форс кўрфази атрофида Америкaнинг кўплаб кема ва самолётлари тўпланиши кутилмоқда. Бундан ташқари 25 та жанговар ва ёрдамчи кемалар ҳам шу ерга етиб келади. Эндиликда самолётлар сони 350 тага, ҳарбий хизматчилар эса қарийб 25 минг кишига етади. Айни пайтда «Нимиц» туркумидаги авиаташувчи етакчилигидаги АҚШ ҳарбий-денгиз флоти отрядлари Ироқ қирғоқларидан 180-200 километр нарида турибди. Авиаташувчи бортидаги самолётлар кунига 110 мартадан учиш ташкил этишмоқда. Америкaнинг Форс кўрфазидаги кучлари тахминан 200 қанотли «Томогавк» ракеталаридан иборат. Бу ракеталар аввал ҳам ишлатилган эди.

«Ҳа, шунақа бўлган...»

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

ОРЗУ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗ – МУШТАРАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

зимки, у амалга ошираётган ишларнинг ҳаммаси келажагимизни англашга ҳамоҳангдир.

Бу залда Самарқанд шаҳри аҳолисининг турли табақалари вакиллари ўтирибди. Бу ерда дўстларимни, бир пайтлар бирга ўсиб-улғайган кишиларни кўриб турибман, православ ва мусулмон динларининг ҳурматли вакилларини кўриб турибман.

Бу гапларим билан Хиллари Клинтон хонимга Самарқанд ноёб шаҳар эканини айтмоқчиман. Унда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Бу ерда арманлар ва озарбойжонлар ёнма-ён осойишта яшайди — озарбойжонлар маҳалласи ҳам бор, арманлар маҳалласи ҳам бор. Ҳаммаси аҳил ва иттифоқ, улар ҳатто бир-бирига қариндош бўлган, муштарак оилалари бор. Бу — тинчлик, осойишталик, адолат, бу диёрдаги тотувлик бизнинг эзгу орзуйимиз эканининг яна бир далилидир. Кишиларимизнинг барча истаклари шу мақсадга қаратилган.

Мен шу жамиятга мансублигимдан, шу шаҳарда туғилганимдан фахрланаман, бугун Хиллари Клинтон хонимни Ўзбекистонда кутиб олаётганимиз билан фахрланаман. Бу биз учун катта шарафдир. Шунинг учун ҳам мен Хиллари Клинтон хонимга мурожаат қилиб, биз учун бу — тарихий воқеа, демоқчиман. Бундан ҳатто бешолти йил олдин Қўшма Штатларнинг биринчи хоними бу ерга келиб, биз билан мулоқотда бўлишини тушимизда ҳам кўрмас эдик. Хиллари Клинтон хонимнинг бу ерга келиши биз тоталитар социалистик совет тузумидан озод бўлганимизнинг натижасидир. Биз ўз демократик йўлимизни танлаб олганмиз. Шу ерда ўтирган ҳар бир киши каби менинг ҳам ишончим комилки, биз бу йўлдан оғишмаймиз. Бу йўл—демократия йўли, озодлик йўли, шу сахий диёрда яшаётган барча кишилар учун муносиб турмуш шароитини барпо этиш йўли бўлиб, у ҳаётимизнинг мазмунидир.

Шу ўринда мен Хиллари Клинтон хонимга фақат бир истак билдирмоқчиман: мен Хиллари Клинтон хоним келаси гал шу ерда ёки бошқа залда умр йўлдоши Билл Клинтон жаноблари билан бирга ўтиришини, бу мумкин қадар тезроқ юз беришини орзу қиламан.

Биз Америка Қўшма Штатларининг жаҳон сиёсатида ҳам, жаҳон иқтисодиётида ҳам тутган ўрни ва мавқеини биламиз. Биз Қўшма Штатлар бугунги кунда демократия, шахс эркинлиги рамзи, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти мазмуни деб билган барча эзгу нарсанинг рамзи эканини биламиз.

Мен Клинтон хонимдан Ўзбекистонда муттасил олға интилувчи жараёнлар кечаётгани, биз ҳам Америка халқи интилаётган идеаллар сари интилаётганимизни Америка жамоатчилиги эътиборига етказишни илтимос қилган бўлардим. Бизнинг идеалларимиз, мақсадларимиз тўла уйғун эканига менинг ишончим комил. Аммо биз мақсадимиз сари элтадиган йўлни боқиб ўтишимиз учун ҳали бироз вақт керак.

Клинтон хоним кеча Бухорода бўлган эди, бугун Самарқандга ташриф буюрди. Мен Самарқандда туғилган ҳамда ўзи ўсиб-улғайган жойни унутмайдиган киши сифатида Хиллари Клинтон хонимга бу сафарида бошқа киши ҳамроҳ бўлиши мумкинлигини тасаввур қилолмадим. Мен дипломатик протокол тартиби қатъий эканини, телевидение воситасида миллионлаб кишилар биз Клинтон хонимни қандай кутиб олаётганимизни кўриб турганини биламан. Кимдир, эҳтимол, бунга ҳам бошқача тус берар. Аммо буларнинг барчаси эскиликдан қолган сарқит. Мен бундай кишиларга: жаноблар, бизга кимни қандай кутиб олишни ўргатадиган замонлар ўтиб кетганини унутдингизми, деган бўлардим.

Биз протоколга риоя қилишга ҳаракат қиламиз, албатта, лекин протоколлар очиқ қалблар ўртасига тўсиқ бўлмаслиги керак. Мен Клинтон хонимга нафақат АҚШнинг биринчи хонимига, балки ўзим астойдил ҳурмат қиладиган ва яхши кўрадиган инсонга бўлган ҳурмат-эҳтиромимни ҳам изҳор этишни истайман.

Мен бугун Клинтон хонимга унинг ўзида ҳам, турмуш ўртоғи Билл Клинтон жаноблари ҳам Оллоҳ ёки Худо берган алоҳида фазилатлар борлиги тўғрисида гапирдим. Мен Худонинг битталигига аминман, албатта.

Хуллас, айтмоқчиманки, Худо бу инсонларга барчага ҳам насиб бўлавермайдиган алоҳида фазилатлар бахш этган. Уларнинг жозибаси, атрофдагиларнинг эътиборини тортадиган маълум инсоний хусусиятлари, уларга нисбатан одамларда уйғонадиган таважжуҳ шу фазилатлар жумласидандир. Назаримда, улар билан мулоқотда бўлган ҳар бир киши буни ҳис этгани аниқ.

Мен ўтган йили Клинтон жаноблари билан учрашганимдан бахтиёрман. Бугун ҳам, унинг рафиқаси, Қўшма Штатлар сиёсатида ўзининг маълум ўрнига эга бўлган, ўз олдига олижаноб мақсадларни қўйган ҳамда ана шу мақсадлар сари интилаётган инсон даврамизда эканидан бахтиёрман. Бу аёлга нисбатан юксак эҳтиром билан қарамаслик мумкин эмас. Раҳмат.

БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОР ВА ДЎСТ БЎЛИШДАН ФАХРЛАНАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бироқ, ташрифимнинг бошқа сабаби ҳам бор. Мен бу ерга сизлардан ўрганиш учун ҳам келганман. Сизларнинг бой ўтмиш тарих ва маданиятингиз билан танишибгина қолмай, динлар ва миллатларнинг ўзига хослигига чуқур ҳурмат билан қараш борасидаги анъаналарингиз билан ҳам танишиш ниятида келганман. Чунки, бу — жуда кўп авлодлар умри давомида сизларнинг ана шу бой ва тарихий маданиятингизнинг гуллаб-яшнашига имкон берган.

Тошкентдан сўнг Бухоро ва Самарқандга ташриф буюрар эканман, сизларнинг муқаддас қадамжоларингиз гўзаллигидан ҳайратга тушдим. Бироқ, менда энг катта таассурот уйғотгани уларнинг ўзаро яқинлиги бўлди. Мусулмонлар, христианлар ва яҳудийлар ёнма-ён ҳолда ўз динларига эътиқод қилар экан. Бу одат жуда кўп асрлардан буён давом этиб келаётгани алоҳида таҳсинга сазовордир.

Мана шундай, бир-бирига ҳурмат-эҳтиром билан қараш руҳи жамиятингизнинг барча соҳаларига сингиб кетган. Турли илдизларга эга бўлган халқлар минг йиллардан буён тинчлик ва дўстликда яшаб келган ва бугун ҳам шундай яшамоқда. Бухородаги мактабда атрофимда ўтирган болалар менга ўзбек, тожик ва рус тилларида кўп саволлар беришди. Уларнинг қизиқиши шу қадар катта эдики, суҳбатимиз имкон қадар чўзилишини исташарди. Мен уларнинг даврасини ноиложликдан, мана шу болалар мансуб бўлган давлатнинг келажаги буюклигига амин бўлган ҳолда тарк этдим. Ўзбекистон халқининг қадимдан таълим ва илм-фанга меҳр қўйганини биламан. Бунинг устига, мамлакатингиз алгебра фанининг ватани ҳисобланади. Шу нарса аниқки, олам сиз эга бўлган билимлар туфайли анчагина олга силжиган. Сизлар буюк бадиий ва адабий анъаналарга эгасиз, аҳолингизнинг саводхонлик даражасига эса жуда кўп мамлакатлар ҳавас қилса арзийди. Мен сизларнинг янги жамият қуриш борасидаги ишлар билан банд эканингизни жуда яхши англайман. Муайян қийинчиликларга қарамай, болалар учун барпо этилган кучли таълим тизимингизни ҳимоя қила олишларингизга ишонаман. Зеро, мен университет талабалари ва мактаб ўқувчиларининг қиёфасини кўриб, сизларнинг ёш авлодларингиз ақл-идрокида улкан салоҳият мавжуд эканига амин бўлдим. Гуллаб-яшнаётган демократияни барпо этиш учун таълим-тарбиянинг кучли пойдевори бўлиши лозимлигини яхши биламиз.

Бугунги кунда сизларнинг бундай турфа ҳаёт кечиришдаги тажрибаларингиз ўзларингизга табиий туюлиши мумкин. Президентларингиз Самарқандда туғилиб, вояга етганини айтган эди. У турли халқларнинг биргаликда тинчтотув яшаши турган гап ҳамда бу оддий анъана, деб қарайди. Бироқ, бундай турфалик ноёб намуна ҳисобланади. Чунки, агар бугунги кунда оламга назар ташласангиз, эски ва янги, этник ва диний тафовутлар нафрат, зўравонлик ва ғайриинсоний туйғуларнинг тарқалишига сабаб бўлаётганини кўрасиз.

Сиз бугунги кунда Босния-да, Руандада, Шимолий Ирландия ва Яқин Шарқда ҳам экстремистлар муқаддас анъаналар ниқобини инсонларни худога яқинлаштириш мақсадида эмас, ундан узоқлаштириш мақсадида кийиб олганига гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Мен қадимий ипак йўли бўйлаб ўтган карвонларда жамулжам бўлган маданиятлар турли-туманлиги ўзаро ҳурмат анъанасини аста-секинлик билан олға силжитганини ва ёвуз ниятларга қарши курашда қуролга айланаётганини яхши тасаввур қиламан. Хитой, Европа, Ҳиндистон, Византия ва Араб дунёсидан келган сайёҳлар карвонсаройларда учрашиб, бир пиёла чой устида суҳбат қурганлар, шу йўл билан одамлар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлаганлар.

Охир-оқибатда савдо-сотиқ ривожи нимага боғлиқ ё савдо билан шуғулланиши учун инсон турли «тўсиқ ва деворлардан» холи бўлган, эркин жамиятда яшаши керак. Ахборот, ғоялар, товарлар ва одамлар эркин ҳаракатланиши лозим.

Савдо-сотиқ ўзаро ҳурмат асосида қурилади. Савдо қилиш учун сиз, сизга ўхшамаган бир одам сизга таклиф қилиш учун керакли нарсага эга эканига ишонишингиз зарур. Сиз ҳам, ана шу сабабларга кўра, унинг моли ўрнига таклиф қилиш учун тенг қимматли нимагадир эга бўлишингиз керак.

Бу асосий тамойил савдо-сотиқ ва тижорат ривожидан кўра кўпроқ нарса беради. Бу сизда сабр-тоқат туйғуларини тарбиялайди, ҳеч бўлмаса бошқа ирққа мансуб одамни тушуниш истагини туғдиради. У одам сизникидан бошқа бўлган динга эътиқод қилиши ёки сизникидан фарқли қадриятга эга бўлиши мумкин.

Фикрларни қабул қилишга бўлган бундай очиқлик Исломнинг буюк файласуфларига тўққизинчи, ўнинчи ва ўн иккинчи асрларда Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўз таълимотларига Ғарб фикрини сингдириш имконини берди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари асрлар қаърида йўқолиб кетиши мумкин бўлган донишмандликни (Аристотель ишлари каби) тўлалигича сақлаб қолди.

Бу очиқлик, шунингдек, Ўзбекистонни энг қадимги Европа қабилалари учун Яқин Шарқдан ташқаридаги ишончли хонадонга айлантирди.

У бугунги кунда суфийларнинг йирик ҳаракатига айланган Нақшбандия тариқати ривожланиши учун йўл очди. Бухоро бу ажойиб ҳаракат анъаналарини ҳурмат қиладиган ва айни вақтда экстремизмни инкор этадиган масканга айланди.

Мен кеча Бухоро масжидларидан бирида мулла билан суҳбатлашиб бениҳоя ҳаяжонландим. У ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада теран ва кучли ривожланишига умид билдирди.

Тасаввур қилиб кўринг, шу қадар диний эътиқодларни қадрлайдиган, дунёнинг турли бурчакларидан кўплаб одамларни қабул қила оладиган бу очиқлик Самарқанд ва Бухоронинг 2000 йилдан зиёд давр мобайнида яшаб келаётганининг сабабларидан биридир.

Сизларнинг буюк тарихий ўтмишингиздан қатъи назар, агар халқингиз келажак йиллар тўғрисида ўйламаганда, мен ҳайрон қолган бўлур эдим. Чунки коммунизм биноси вайронага айланган бир пайтда янги озодлик тизимининг қийин кечадиган қурилиши эндигина бошланди.

Бугунги кунда дунёдаги энг қадимий демократия ватани бўлган ўз мамлакатим тажрибасидан келиб чиққан ҳолда биламанки, демократия қурилиши узоқ давом этадиган жараёндир, у бу ишга бир неча авлодларга мансуб бўлган ҳамма фуқароларнинг иштирокини талаб этади.

Ўзбекистонга, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари (Қозоғистон ва Қирғизистонга) ташрифим давомида мен шунга амин бўлдимки, сизлар бу йўлни муваффақият билан босиб ўтасиз. Чунки эски тузум тазйиқидан омон чиқиш учун ақл бовар қилмайдиган даражада мардлик ва сабр-бардош талаб этиларди. Мақсади миллий ўзликни йўқотиш, маданият ва динни барбод қилиш бўлган, ипак йўлини темир панжаралар билан беркитиб қўйган тузумда ҳам яшаб, чидаб келдингиз. Ҳозир ўша темир панжара парчаланиб, ипак йўли яна гуллаб-яшнамоқда. Сиз келажакка боққан ҳолда демократиянинг янги йўналиши томон ажиб шижоат билан ҳаракат қилмоқдасиз.

Буюк ипак йўлидан янги имкониятлар сари дадил бормоқдасиз. Демократияни қарор топтириш, янги имкониятларни қўлга киритиш ҳам жасорат талаб этади.

Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатингиздаги каби, менинг юртимда ҳам демократия жамиятнинг турли табақаларига мансуб бўлган барча одамларнинг шахсини ҳимоя қилишга даъват этилган муассасаларнинг ривожигагина боғлиқ эмас. Демократия қайта ва қайта эркин ва адолатли сайловлар ўтказишдангина иборат эмас. Демократия виждон эркинлиги ва ўз фикрини ифода этиш эркинлигидангина ҳам иборат эмас. Демократия охир-оқибатда барча фуқароларнинг қалби ва онгига демократик қадриятлар қай даражада сингганги, шунингдек, бу қадриятларнинг нечоғли авайланиши ва авлодлардан авлодларга етказилишига боғлиқ. Бу ҳар қандай демократиянинг, айниқса сизлардаги каби янги пайдо бўлаётган демократиянинг энг муҳим талабидир. Бироқ мен шунга аминманки, бу заминда неча авлодлар ҳаёти давомида яхши сақланиб келаётган ўзаро ҳурмат ва сабр-тоқатлилик анъаналари олдингизда турган ана шу талабларга жавоб беришда муҳим омил бўлади.

Қисқа даврда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар анча ривожланди, ишонч билан айтиш мумкинки, эндиликда бу муносабатлар янада мустаҳкамланади. Сиз кўп қиррали жамиятни барпо этиш масалаларида ҳали дунёга кўп сабоқ берасиз. Чунки сизнинг кўҳна заминингиз асрлар давомида кўплаб улуғ инсонларни Буюк ипак йўли орқали бой савдо ва маданиятга эга бўлган янги олам билан боғлаш учун хизмат қилган. Бугун бу йўлдан сиз қайта ўтмоқдасиз, фақат бу сафар ўзгача — эркинлик ва демократиянинг янги олами сари интилмоқдасиз. Гарчи, манзил ўта машаққатли, баъзан унинг уфқи жуда йироқ туюлса-да, сиз албатта ўз мақсадингизга эришасиз, деб ишонаман. АҚШ Президенти ва халқи бу йўлда сизлар билан бирга, ҳамқадам бўлишига барчангизни ишонтираман. Биз демократия йўлида сизлар билан ҳамкор ва дўст бўлишдан фахрланамиз.

САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

хи ва бой маданиятига катта қизиқиш билан қараймиз. Бу халқнинг Т. Шевченко, И. Франко, А. Довженко каби фидойи фарзандлари жаҳон маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган. Айни вақтда украиналиклар ҳам саховатли заминимиз фарзандлари — Беруний, Ибн Сино, Навоий даҳосига юксак ҳурмат билан қарайди. Тадбир давомида олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар ижодий мулоқотда бўладилар, меҳнаткашлар билан учрашадилар. Бу ана шу ўзаро ҳурматнинг, хайрли дўстлик анъаналарининг давом этишидан далолатдир.

Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари тантаналли равишда очиқ деб эълон қилинади. Икки Давлат мадҳиялари янграйди.

Тантанали маросим Ўзбекистон ва Украина санъат усталарининг дўстлик концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

Шу куни Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари қатнашчилари Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб, мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

(ЎзА).

Вазирлар Маҳкамасида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Президент фермойишига мувофиқ, банкрот ҳолатига тушиб қолган қишлоқ хўжалик корхоналарига ёрдам бериш учун санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси тузилган эди. 17 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасида шу комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни республика Бош вазири У.Султонов бошқарди.

Комиссия мажлисида агросаноат мажмуи иқтисодиёти мутахассислари билан шуғулланувчи вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар ва иқтисодий ночор корхоналар билан шуғулланувчи вилоят қўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

Мажлис иштирокчилари жойларда зарар келтирувчи ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш ва уларнинг молмулкини рўйхатга олиш ишларининг ташкил этилиши билан танишдилар, Олий Мажлис кўриб чиқиши учун тақдим этишга тайёрланган «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси, ҳозирги даврда бу вазифани ҳал этиш йўллари билан танишдилар.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров, Бош вазир ўринбосарлари Б.Ҳамидов (Комиссия раиси), В.Чжен, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлилият бошқармаси бошлиғи Ғ.Саидова иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 18 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	54.86
1 Австрия шиллинги	6.40
1 Англия фунт стерлинги	131.65
10 Бельгия франки	21.82
1 Голландия гульдени	39.97
10 Греция драхмаси	2.87
1 Дания кронаси	11.82
1 БАА дирхами	21.27
1 АҚШ доллари	78.11
1 Миср фунти	23.04
1 Ирландия фунти	117.24
1 Исландия кронаси	1.10
10 Испания песети	5.34
100 Италия лираси	4.60
1 Канада доллари	55.31
1 Хитой юани	9.43
1 Кувайт динори	257.53
100 Ливан фунти	5.09
1 Малайзия ринггити	23.58
1 Германия маркаси	45.01
1 Норвегия кронаси	11.04
1 Польша злотийси	22.45
10 Португалия эскудоси	4.42
1 Сингапур доллари	49.54
1000 Туркия лираси	0.41
1 Финляндия маркаси	14.97
1 Франция франки	13.44
1 Швеция кронаси	10.41
1 Швейцария франки	55.42
1 ЭКЮ	89.05
10 Жанубий Корея вони	0.79
10 Япония иенаси	6.26
1000 Россия рубли	13.24
1 Украина гривнаси	41.61
1000 Белорусь рубли	2.63
1 Эстония кронаси	5.63
1 Латвия лати	134.91
1 Литва лити	19.53
1 Қозоғистон тенгеси	1.03
1 Қирғизистон соми	4.53

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бу байрамнинг фаол тадориклари мен учун шу йил апрелда бошланди.

Хива. Ҳоким вазифасини бажарувчи Матёқуб Мадаминов ҳузурида сўзлашув. Туманнинг Н. Искандаров жамоа хўжалиги меҳмонхонаси. Ҳафта давомида Хоразм тарихини билувчи ўнлаб зиёлилар билан узун суҳбат, баҳслар...

Давлатёр, Абдулла Сафо, Комил Худойберган, Рўзимбой Ҳасан, Неъмат Салаев, Қурбонбой Матризо, Фозил Зоҳид, Ошиқ Эркин, Эркин Самандар, Комил Аваз, Отахон Оллаберган...

Шубҳасиз, энг олдин Хива зиёратлари. Дастлаб шайх Кубронинг оналари — Биби Хожар она қадамжолари. Бу манзил энди озода, тарих-вақт оғанинг гарди пардаларидан поклaнган, бир қадам олдинга чиққан... Мангу ҳаё бу даргоҳнинг ўз азал либоси...

Дарвоқе, бу йилги апрель астрономларни ҳайратга, оддий фуқарони андак таҳликага солди. Ғарби-шимолда, осмонда икки-уч қулоч катталикда думли юлдуз... Тошкентда у хира бир нуқта тарҳида.

Бу ойда Ой деярли икки ҳафта қонталаш... ва тўлинлигича қолди. Хива — Қўшкўпир — Шовот, Гурлан, Янгибозор, Урганч, Боғот, Хазорасп, Қўшкўпир — Хива йўлидан, ўзим рулда юриб ўтдим:

Кўча юзидаги деярли ҳар бир уй, эшик-дарвоза олдида чивиққа етти бўғирсоқ тизиб, йўловчиларни меҳмон қилаётган болалар... Ҳар уйда худойи-садақа учун «ис»... Бу не зиёратлик, не таҳликали фаоллик, суриштирсам, осмондаги ўша икки ҳодиса боис...

Аксарият одам бу йил Хоразмда тинч, тўкин келишини айтди. Бошқалар бошқача...

Йўл-йўлакай Юсуф Хамадоний, Замахшарий зиёратлари. Дарвоқе, Хазорасп бу йил археологларга муъжиза тортиқ қилди: Хумбузтепадан Анахита (Ардахива) ҳайкали, созандалар гуруҳи, боши одам, танаси — буқа (говмард, жавонмард сўзларига эътибор беринг!) маҳлуқлар ҳайкалчалари... Хазорасп (балки, тўғрироғи «Ходорос!», «ос» ўзак бўлган сўзларни ўйланг, ҳатто «Осиё» ҳам) аввалдан Хоразм таянч қўрғони саналган, «Хоразмни забт этмоқчи бўлсанг, аввал Хозорасни ол!» деган ундов ҳам бор. Бу жойда Чингизхон бориши ва қайтишида қўшин санаган! «Дулдул ҳатлаган», «Санжар бўғови», «Тош сақа» — бари-бари шу ерда. Бугун — Туямўйин гидроузели.

Меҳмонхонадаги «Хива-Хоразм» суҳбатлари, баҳслар, «Ишқилиб кўз яхши келсин-да!» деган тилаклар билан тугайди. Биз ҳазиллашиб, Матёқуб акага, раис Ражаббой акага «Дафтарчангизга ёзинг, 18 октябрда пахта планини тўлдириб, 20-да байрамда бемалол ўтирасиз!» — деймиз. Биз, деярлик 20 кунга янглишамиз, Хива тумани бу жамоа, умуман вилоят барча режаларни анча олдин бажарадилар.

Сўз бетини сўз очади, из кетини из... Ҳаммада бир ташвиш. Гўё уммон долғаланган, сокин руҳга тўлқин келган. Бу узлуксиз кенгашларнинг аввал боши, шубҳасиз, ҳукуматимизнинг Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори, давлатимиз саъй-ҳаракатларининг ЮНЕСКО томонидан кенг қўллаб-қувватланиши эди.

Шундан эътиборан Президент девонидан тортиб, то Хоразм ҳокимлиги-ю, Арк майдонигача бўлган барча тизимларда катта қувват билан тўй тадориги бошланди. Занжирнинг ҳар бир нуқтасидан саволга жавоб сўраш ёки мулоҳаза билдириш мумкин эди.

Театрдамиз. Бошқа маросим. Ҳокимдан секин «Искандар ака, Хиванинг ўзида тўхтанглар, бутун Хоразм тарихи аралашиб юрмасин!» деган фикрлар ҳам чиқиб қоляпти!» дейман. «Ким?!» Ўрнидан туриб кетишига сал қолади Искандар ака. «Хива - Хоразм, Хоразм - Ўзбекистон! Тарихимиз бутун салобати, қудрати, улуғ сиймолари билан акс этиши, бўй тиклаши керак!»

Театрлаштирилган томоша бир ярим соатга мўлжалланган. Бу вақтни фақат концерт билан ўтказишни талаб қилганлар ҳам бўлди.

Сабаб, матбуотда, симпозиум ва конференцияларда Хива ва Бухоро тарихига оид кўплаб фактлар, маълумотлар эълон қилинади, баён этилади, дейилди.

Театрлаштирилган томоша ҳаммасининг инъикоси бўлмоғи шарт. Аммо, иккинчи томондан, биргина «Сувора» ва унинг савтисини тўлиқ ижро этилса, йигирма минутча вақт керак!

Хоразмдаги бу байрамда кўринишни «қарз ҳам фарз» саналган хонанда-созандалар ўзи қанча?! «Ҳа, роса душман орттирадиган бўлдингиз, ҳофиз дўстларингиз ичидан!» деганлар ҳам бўлди. «Хивага не янги сўзинг бор, ўрток?!» дейман ичимда. Майли, дейман, фақат хато орттирмасак бас. Ўзбекчилигимиз эса сира қолмайди, «фалон руйхатга сени мен киритдим, фалон жойдан сени писмадончи ўчириб ташлади» деб, «фойдаланиб» юрганлар ҳам бўлди.

Хўп, мақомни нима қиламиз, бахши, халфа йўллари-чи?! «Лазги»нинг етти-саккиз усули бор. Қайроқ, буломон, қўшнай... Дарвоқе, нафасни узмай сурнай чалиш усули фақат Хоразмдадир. Ва бу сафар ҳам Матрасул нафис мажлис аҳлини лол этди, жунбушга солди.

Сценарийга кўра, саҳна уч қават бўлиши, ҳар бир қаватдаги воқеалар бир-бирига боғлиқ давом этиши керак! Томошада деярлик шунга эришилди. Феруз мадрасаси олди, пастки майдони, томи — ҳатто олис-яқиндан назар доирасида бўладиган ёдгорликлар саҳнани бевосита асрлар билан тиғиз боғлади.

Телекамераларнинг қамров-масофалари ҳам диққатимизда. Ислом хўжа минори, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси гумбази, Ярим минор ва бошқа иншоотлар томошанинг бевосита иштирокчилари бўлдилар.

Ҳа, юбилей комиссияси тўлиқ таркибда, бевосита Хивада, томошагоҳнинг ўзида, кўп дафъа бўлишиб, сценарий бўйича томошани ҳам кўришди. Ниҳоятда зарур маслаҳатлар беришди. Айни пахта терим қизғин пайтда!

Артистларнинг кийимлари, пойабзалидан тугмасигача, сўз, талаффуз, айрим тушунчаларнинг нуқта-ю вергулигача, тарихий саналар, сиймолар, воқеа-ҳодисаларни баҳолаш — барчаси ниҳоятда синчковлик, чуқур билим ва талабчанлик билан таҳлил қилинди.

Бу оқибатда битта томоша жараёнида ҳам афсона, ҳам тўқима, ҳам конкрет тарихий воқеа, ҳодиса, сана ва сиймолар бир ҳаракат ичида, мусиқий мавқеда мунтазам, мантиқий изчиликда қурилишига эришдирди.

Халқ оғзаки ижоди эпизодлари, Европа классик мусиқаси фрагментлари, борингки, мақом ва бахши йўли, опера ва «реп-рок» уйғун бирлашиб, ушбу тўй бугунги, яъни XXI аср бўсағасида турган — янгиланаётган Ўзбекистонимизнинг бир ўлкаси саҳнасини намоён этди.

Бунчалик улуғ ташвишлар, бутун мамлакат сафарбар қилинган бу айём айни буюк ва муқаддас жойларимизни, барҳаёт намояндаларимиз исмларини, ниҳоят, узоқ истибдод, асорат сунгида баралла ҳайқириб айтиш учун имкон эди!

Мана шу жадаллик, юксак мақом, шу қатъий интизомга такрор айтаман, ташкилий қўмита — самимий жонкуярлиги, фидойи меҳнати, талабчанлиги туфайли эришилди.

И. Жўрабеков, Ўткир Раҳмат, А. Азизхўжаев, Ҳайриддин Султон, Ж. Йўлдошев, О. Салимов, Х. Жўраев, Р. Шоғуломов, Ш. Абдуллаев, Н. Аминов, Б. Шодиев... қанча соҳалар мутасаддилари ҳар ҳафтада Хивадалар! Йил бўйи «Ўздавматбуотқўм» ҳам менга тўлиқ шароит яратиб берди!

Сценарийни қўлтурайлик, дейлик, Жума мачитида симпозиум ўтади, юздан ортиқ турли мамлакатлар олимлари, оммавий ахборот воситалари, элчихоналар вакиллари, бошқа меҳмонлар...

Бу ниҳоятда эътибору эҳтиромталаб иш бошида ЎзФА Президенти Тўхтамурод Жўраев, академигимиз Азим Саъдуллаев ва бошқа ўнлаб олимлар, таржимонлар...

Ҳоким ўринбосари Тангриберган Дўсчоновга бу ерда иш кўпроқ...

Мачит полига тушган ноёб табиий оҳак тош плиталар ўз-ўзидан юзи ғубор-чанг тортиш хоссасига эга — уни ўзгаришлардан қандай сақлаш мумкин?! Махсус, безарар, лекин камёб мой суриляпти лозим. Бу олис, қиммат матоҳ, лекин топилади, келтирилади. Бундай, оёқ остидан чиқаётган муаммолар мингта...

Катта саҳна сатҳида ҳам шундай, лекин бошқачароқ муаммо: томошабин кўзини чалғитмайдиган, рақкосалар оёқларига қаттиқ тегмайдиган, бир тусдаги тўшамча топилади, жойлаштирилади... Вилоят ҳокими ўринбосари Римбой аканинг телефони доим қўлида... Нонушталар оёқ устида...

Ёритиш, нур ўйинлари асбоб-анжомлари, электрчи, компьютерчи муҳандис, мутахассислар. Улар бир неча юзлаб...

Урганч — Хива троллейбус йўли-чи?! У чинакамига тилларда достон бўлди! Иссиқ эви-жойини ташлаб, Тошкентдан ва бошқа вилоятлардан келган неча юзлаб мутахассислар уч сменада ишладилар. Ва бундай қисқа муҳлатда, Урганч аэропортидан то Ота дарвоза бўсағасигача борувчи йўлнинг қурилиши, битиши ва қизиги, унинг биринчи йўловчиси мамлакат Президенти бўлганлигини Гиннес китобига ёзилиши мумкин!

Омон МАТЖОН

БОҚИЙ РУҲНИНГ

Ҳа, «Хоразм-йўл» мутасаддиси Валерий Полвоннинг шу кунлардаги шаҳдишижоати, гўё Полвонпирдан фатво олгандек!

Хива гиламлари! Ранглари — меҳр товланишларидир!

Отабой дўстимиз тўй дастурхонига янги навъ — миллий Хоразм мусалласи, «Қоракўз», «Жайхун», «Ҳўрак шароб»ларини алоҳида тортади!

Телман Мусанинг ёғ маҳсулотлари алоҳида тиниқ, номларида гумбазлар товланиши!

Ғаллакорлар ёруғ юз! Пахтакор режани оширган, эгатлар эса ҳамон оппоқ! Шоликор — кўнгли тўқ, бошоқлар зўр хирмон сари соллонган!

Табиат! На очиқ юз бу! Гўё борлиқ ўзи бугунлар Хоразм шаънига муқаддас, азиз бир сўзини айтишга шайлангандай! Ва бундай калом юксак янгради ҳам! Бу ҳақда кейинроқ...

Неча ўнлаб вазирликлар, қўмиталар ва бошқа республика ташкилотларининг Хивани ободонлаштириш, ёдгорликларни таъмирлаш ва бошқа соҳаларда бажарган ишларига офарин дейсиз холос!

Хива асарлар ғуборларидан мустақиллик туфайли покланди, эркин ва тоза нафас олди.

Дарвоқе, илгарилари «Интурист» бир кичик меҳмонхона қуриш учун Москвага қанча-қанча одам, неча-неча контейнер, қути, бандерол ва ҳ.к.лар сафарбар қилар эди!

Жума мачитидаги каби, Тошҳовли устун ва равоқлари нақшлари ҳам бир-бирини такрорламайди!

Карвонсарой энди дунё кўрган тужжорларни лол қолдиргудек замонавий либос қийган. «Ўзбекбирлашув» вилоят бўлими раиси бу «объект» юқори баҳо олганидан хурсанд: «Хива» — супермаркети Марказий Осиёда ягоналардан бўлажак!

1 2 3

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН

Ўзбекистон ва жаҳон

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини жаҳонда биринчи бўлиб тан олган давлатлардан биридир. 1991 йилнинг декабрида Туркия Бош вазири юртбошимиз номига ёзган мактубида Туркия Ўзбекистон мустақиллигини тан олганлигини маълум қилганди.

Туркия-Ўзбекистон муносабатлари тарихидаги иккинчи энг муҳим воқеа ўтган йили содир бўлди. 1996 йилнинг май ойида юртимизга Туркия Президенти расмий ташриф буюрди. Мазкур ташриф чоғида Туркия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида «Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги тарихий шартнома имзоланди.

Туркия Ўзбекистон билан ўзаро манфаатдорлик асосида иқтисодий ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1996 йилда икки давлатнинг маҳсулот айрбошлаш ҳажми 400 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистон ва Туркия ишбилармонлари иштирокида ташкил этилаётган қўшма корхоналар кун сайин кўпайиб бормоқда. Уларнинг сони бугунги кунда 350 тадан ошиб кетди. Туркиянинг ўндан ортиқ қурилиш компаниялари юртимизда самарали фаолият кўрсатяпти. Тошкентдаги қатор меҳмонхоналар, корхоналар, банклар «Ай-Сель», «Бурсел» каби турк қурилиш фирмалари иштирокида қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳозир Самарқандда туркиялик ишбилармонлар ва қурувчилар иштирокида «Самарқанд-Коч» номли қўшма автомобиль заводи қурилаётир. Шунингдек, Урганчда янги шакар заводи қурилиши поёнига етай деб қолди.

Ўзбекистон Президентининг Туркия республикасига навбатдаги ташрифи ана шу ришталарни янада кенгайтиради.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

ЮРАКЛАРДАН ЎТГАН ЧЕГАРА

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳи Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи якунларини таҳлил этар экан, ташрифдан асосий мақсад — Россия — Хитойнинг қудратли бирлигини тузиб, жаҳон сиёсий саҳнасида тобора мавқеини мустаҳкамлаётган Америка Қўшма Штатларининг «сеҳрли» таъсир қудратига қарши туришдир, дея изоҳлайди.

Умуман олганда, учрашувнинг асосий мазмунини XXI асрда Россия — Хитой муносабатлари ўзаро тенг ҳамкорликка асосланажаги ташкил этди. ХХР раиси Цзян Цземин учрашувдан сўнг Хитой — Россия муносабатлари тенглик ва ўзаро ишончга асосланган янги сифат касб этишини, янги мазмун билан бойишини таъкидлади.

Иккала давлат раҳбарларининг берган баёнотини учрашувнинг муҳим ҳужжатларидан, дейиш мумкин. Баёнотда Евроосиё ва Тинч океани минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга эришиш нафақат мазкур ҳудудда, балки бутун дунёда ҳам энг улкан ва қудратли давлатлар ўзаро ҳамкорлигининг пировард мақсади экани таъкидланади. Баёнотда бу икки давлат бирлиги бошқа давлатлар манфаатига қарши йўналтирилмаслиги алоҳида таъкидланади. Учрашув натижаларининг чегара муаммоларига бағишланган қисми алоҳида муҳимдир. Россия ва Хитой ўртасидаги 4300 км. масофалик чегара демаркация қилинди. Бу учрашувнинг энг катта муваффақиятларидан биридир. Ц. Цзэмин шу муносабат билан, Рус—Хитой чегарасида «абадий тинчлик» ўрнатилди, деб айтди. ХХР давлат кенгаши вазири Ли Пэн айтишича, бу чегара дўстлик чегараси бўлиб қолади. Ушбу зиддиятли масалаларнинг ҳал этилишини ҳар икки томон вакиллари ҳам ижобий баҳолади. Жанубий Кореянинг «Чосан Ильба» газетаси, Россия — Хитой чегара масаласи муҳим ечим топиши корейслар масаласини ҳал этишда ҳам ижобий аҳамият касб этади, деб ёзади. Айтиш кераккки, қўшма баёнотда янгидан пайдо бўлган «бирлик» мустамлакачилик ёки ҳукмронлик сиёсатини юргизишга ҳеч қачон уринмаслиги таъкидланган.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Томонлар Амур дарёсининг айрим чегара ороллaридан ўзўзалик мақсадида ҳамкорликда фойдаланадиган бўлишди. Шу муносабат билан Япония ахборот агентлиги бундай ечим Москва ва Токиога Жанубий Курил оролларни билан боғлиқ муаммолар ечимини топишда мақбул модел бўлиши мумкин, деган фикрни билдиради.

Газетамизнинг илгариги сонларида эълон қилинган ХХР ҳаётига оид қатор мақолаларда Хитой ҳам бозор иқтисоди муносабатларига тобора чуқурроқ кириб бораётганини таъкидлаган эдик. ХКП XV съездида, оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, давлат тасарруфидаги корхоналарни ислоҳ қилиш масаласи муҳокама этилган. Маълум булишича, бундай корхоналар асосан зарар кўриб ишламоқда. Бу эса давлат иқтисодиётига салбий таъсир этади. Давлат корхоналарини ислоҳ қилиш Хитой иқтисоди ислоҳотларининг асосини ташкил этади. Миллий иқтисодни тиклаш учун замонавий корпорациялар тизимини йўлга қўйиш, давлат корхоналарини жиддий ислоҳ қилиш талаб этилади. Бу борада ҳукумат муайян режани ишлаб чиққан. Унга кўра, давлат 1000 та етакчи корхонани қўллаб-қувватлайди. Ўтган йили уларнинг уч юзтасига банк кредитлари берилиб, уларга нисбатан молиявий назорат кучайтирилган. Кичик корхоналар турли усуллар билан давлат тасарруфидан чиқарилади. 240 та кичик корхона қайта ташкил этилади, бирлашмалар ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилади, қўшилади, ижарага, пудратчига берилади, сотилади. Корхоналар капитал тизими самарадорлиги шакллари бўйича ислоҳотлар 110 шаҳарда олиб борилмоқда. Корхоналарда жуда катта миқдордаги қарзларни узишда имтиёзлар берилмоқда. Ижтимоий суғурта тизими жадал тарзда яратилмоқда. Медицина суғуртаси тажриба сифатида 50 та шаҳарда синаб кўрилмоқда. Давлатнинг асосий катта ва ўрта етакчи корхоналари замонавий корпорациялар тизимининг дастлабки босқичига муваффақиятли кириб бориши ва ўз фаолиятларини жонлантириб юборишдан умид катта.

Хитойда ҳам тараққиёт турли минтақаларда бир хил даражада бораётгани йўқ. Индустрлаштириш жараёни жадаллашгани сайин бундай ҳолат барча мамлакатларда кузатилмоқда. Иқтисоднинг эркинлиги борасидаги ислоҳотлар ва очиқ сиёсат юргизилиши натижасида мамлакатнинг барча ҳудудлари жадал ривожланиш йўлига кирди, аммо бу саръатнинг ҳар жойда ҳар хиллиги ҳамда бошқа бир қатор омиллар туфайли ривожланиш турли туманларда турлича бўлиб, улар орасидаги узилиш—айрим ўринларда тобора чуқурлашмоқда.

Катта давлатларда барча туманларнинг бир хил ривожланиши мумкин эмас, буни талаб қилиш мантиқсиздир. Бироқ мамлакатнинг яхлит халқ хўжалиги саноат корхоналари улкан ҳудуд бўйлаб ўзаро мувофиқ жойлашишини, бу сиёсат устун туманлар ва устун соҳаларга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Хитойда қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, алоқа, хом ашё каби соҳалар инфратизилманинг устун соҳалари саналади. Ҳукумат минтақалар орасидаги тафовутни бартараф этиш борасида кенг кўламда режалар ишлаб чиқмоқда.

Хитойда 900 миллион аҳоли қишлоқларда яшайди. Шу боис бундан йигирма йил олдин ислоҳотлар қишлоқ ва қишлоқ хўжалигидан бошланган эди. Очиқ сиёсат ва ислоҳотлар натижасида Хитой қишлоқ хўжалигида бутун дунё эътироф этаётган муваффақиятларга эришилди. Бироқ мазкур соҳанинг замонавийлашуви, ривожланган давлатларга солиштирганда нисбатан паст даражада қолмоқда. Ҳукумат кейинги йилларда ҳам аграр сиёсатни ўзгартирмаслик, қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан бормоқда. Дон ва пахта етиштиришни кўпайтириш, меҳнат самарадорлигини янада ошириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Салим АШУРОВ.

УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Собиқ иттифоқ тарқалгач, ҳар бир мамлакат ўзининг мустақил ривожланиш йўлига ўтди. Бу жараён мобайнида мустақил давлатлар ўз ривожланиш йўналишларини тобора кенгайтиришга, сиёсий-иқтисодий алоқалар учун муносиб ҳамкор топишга интилишлари табиий.

Собиқ иттифоқ миқёсидаги доирада Укарина ва Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлини танлаганлари билан ажралиб туришади.

Бугун икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни тобора кучайтириш борасида ўтказилаётган Украинанинг Ўзбекистондаги маданият кунлари ана шу ўзига хосликнинг, мамлакатларимиз ўртасида ривожланажак иқтисодий ва маданий алоқаларнинг дебочаси, деб тушунмоқ жоиздир.

Маданият кунлари яна шуниси билан диққатга моликки, мамлакатлар мустақилликка эришгандан буён у илк марта ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида озод халқлар, эркин, мустақил мамлакатлар тарихи ва маданияти билан янада яқиндан танишиш, ўрганиш имкониятини яратади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Украина Бош вазири ўринбосари Валерий Смолий раҳбарлигида бир гуруҳ украиналик маданият ва санъат ходимлари ташриф буюрдилар. Улар орасида Украина санъати ва маданиятининг атоқли намоёндалари ҳам бор.

Мазкур тантананинг очилиш маросими бугун пойтахтдаги Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтади. Шундан сўнг украиналик меҳмонлар байрам тантаналарини давом эттириш учун республикамиз вилоятларига йўл олишади.

Хуллас, Украина маданияти кунлари Ўзбекистон бўйлаб кенг миқёсда ўтказилиши кўзда тутилган. Ўзбекистондаги Украина маданияти кунлари 22 ноябргача давом этади.

Абдумалик БОБОЕВ.

СУРАТДА: Украина маданияти кунлари қатнашчиларини аэропортда кутиб олиш пайти. **А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Жаҳон халқлари удумлари

ҒАЛАТИ «СОЛИҚ»

Ява оролида яшовчиларнинг қизиқ бир одати бор. Турмуш қурмоқчи бўлган ёшлар одатдаги расмий қайд этишлардан ташқари, маҳаллий ҳукумат ташкилотларига йигирма бешта каламуш думи топшириши даркор. Ажралмоқчи бўлганлар эса жарима тариқасида қирқта каламуш думи топшириши мажбурдирлар.

Бир қарашда бу одатнинг қандай маъноси бор деган савол туғилиши табиий. Аслида бу одат иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қилади. Негаки, маҳаллий ҳукумат шоликорларга катта зарар етказаётган каламушларга қирон келтириш мақсадида шундай «солиқ» турини жорий этишган-да.

ТЎЙ СОВҒАСИ

Японлар ҳайвонот оламига алоҳида эътибор билан қарашади. Шундамми, никоҳ тўйи куни ёшларга икки қисқичбақа жойлашган ўсимлик ҳадя қиладилар. Бу қисқичбақалар саватча ичига кичиклигида кириб жойлашиб олгач, унда ўсиб етилади ва бутун умр қолиб кетади. Бундай ажойиб тўй тортиғини улар садоқат рамзи деб билишади. Бу удумга японлар қаттиқ амал қиладилар.

ТОШ – СЕВГИ РАМЗИ

Африкадаги макуа уруғидан бўлган ёшлар ранго-ранг майда тошларни маъшуқаларига тортиқ қиладилар. Агар қиз бу тортиқни олса, йигит муҳаббатини қабул этган ҳисобланади.

Қизиғи, бу тош совғани фақат турмуш қурмоқчи бўлган йигитгина таклиф этади. Эмишки, оила тошдек мустаҳкам бўлармиш.

ТИШ БЎЯШ

Қадимда Узоқ Шарқда яшовчи аҳоли орасида олдинги тишни бўяш урф бўлган. Япон қизлари эса турмуш қургач, ўша давр одатига кўра, олдинги тишларини қорага бўяганлар.

ҲАЁТБАХШ РАҚС

Марказий Ҳиндистон штатларидаги тўйларда йигитлар худди цирк артистларидек «икки қават» — яъни бир-бирининг елкаларига чиқиб, рақс-тушиш удуми жуда кенг тарқалган. Тўйга келган меҳмонлар ўн икки эркак, тўй бошлангандан то тонгга қадар тинимсиз ўйнар экан. Олти эркак шерикларининг елкасига чиқиб, кейин ҳаммалари қўл ушлашиб рақс тушади, сўнг вақти-вақти билан бир-бирларининг елкаларига чиқиб ўйинга тушишади.

Ривоятларга кўра, бундай рақснинг ҳар бир соати келин билан куёвга ўн йиллик ҳаёт бахш этар эмиш.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Миллат ва маънавият

Мен раисга «Китоб эсдан чиқмас!» дейман! «Гап бўлиши мумкин эмас!» жавоб беради у. «Ўздавматбуотқўм» қишлоқда китоб савдоси ишлари сусайгани хусусида кўп бор ўз ташвишларини билдирган эди, амалий ишлар ҳам анчагина. Аммо «Ўзбекбирлашув» қишлоқнинг китоб савдо анъанавий моддий-техникавий базаларга эга.

Сафарбой вилоят қишлоқларида китоб савдоси бўйича пишиқ бир амалий режа тузган, буни тез орада вилоят раҳбарларига ҳавола этади. Хоразмда ушбу хайрли иш ҳам қўллаб-қувватланишига шубҳа йўқ.

Ушбу бадеҳада мен ўз «сценарий»имдан чиқиб кетаётганим — Хива юбилейига минг-минглаб кишилар худди ўз уйи тўйи каби қуйиб-пишиб югуриб-елганини кўзим билан кўрганим сабаблидир.

Репетициядан сўнг Хива айланаман.

Ҳоким бошлиқ вилоят байрам ишчи гуруҳи билан неча бор ўтдим кундузи-кечки Хива кўчаларидан. Ҳокимнинг, «Ҳов, мана бу эшик нега ўзгартирилмаган?! Ҳоҳлаган хоразмлининг уйидаги ёрма қопини «Тўйга, Хивага!» десанг, берворадику?!» деган хитоблари ҳамон қулоғимда...

«Президент мана бу устун мана бу бўёқ бўйича берган эслатма бажарилдими?!» Ҳокимнинг ғайрати — бош штаб.

Президент шахсан бу кўчаларни неча ўтиб, кўрсатма берган.

Бир сафар Мираброр Усмонов, Зафар Файзиев ҳамроҳлигида, ишчи гуруҳи... Меҳмонларга тортиладиган ҳар пиёла чой ўзгача файз таратиши, мазаси лабида қолиши керак...

ЁРҚИН РАҚСИ

Минг қуллуқ! Ўзбекни уйида кўр, йўқ, йўқ, уни тўйида кўр!

Сценарийга қайтсак, унда 20-30 персонажга овоз бериш лозим. Бири шоҳ, бири олим, бири ҳофиз ва ҳ.к. Ҳар бирининг ўз мавқеи, айтиш тони, тембри, таъкид, зарб, жой ва ўрин вазифаси бор. Лаҳза — ҳисобда янглиш кетмайди.

Телерадиокомпаниямиз сафарбар этган кучли мутахассис Баҳрулло Лутфуллаев бошлиқ овозсозлар билан икки ҳафта бирга ишлашиб, Баҳруллохоннинг билим, чидам, бардошига бир қойил қолсам, муҳандислар Боситхон ака ва Назирахонларнинг заргарона юмушларига, нозик мусиқий қобилиятларига қойил қолдим, тан бердим.

Тасаввур қилинг: актёр театр ичкарисида микрофонга зарур матнни ўқияпти, биз — ёзиб олувчи гуруҳ махсус машинада, пультда, ҳовлидамиз.

Бир гал тўрт қатор шеърни ўн марта қайта ёзишга тўғри келади! Гоҳи актёрнинг овози тўғри келмаса, гоҳо шеърнинг маъносига тушунмай ўқийди. Бирда овози хириллаб ўзилиб-чайналиб... бирда қўшимчани «ютиб» юборади, ургуни жойига қўя олмайди, мантиқни илгамайди.

Театрлаштирилган томошага актёрлар, хонандалар мутлақо очиқ танлов асосида рўйхатга олинганлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Деярлик бир ярим ой олдин саҳналаштирувчи гуруҳ вакиллари Хоразмга келиб, маданият бошқармаси билан расман кўрик ўтказдилар. Овози талаблар даражасида бўлган кишилар ёзиб олинди.

Ўн-ўн беш йил бурун айтган қўшиқларини ҳавола этган ҳофизлар ҳам бўлди. Хивадек шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи ҳар бир фаол ижодкорни ўз репертуарига қайта разм солиб, ҳам мусиқа, ҳам матнда янги муносиб совға билан қатнашишга арзигуликдир! Ва бизга улкан эҳтиром, ишонч билдирган халқимиз шуни кутишга ҳақли эмасми?!

Дарвоқе, албатта, ҳар хил саналарга тайёрланавериб чарчаганмиз, дейувчилар ҳам бўлар. Масала бошқа томонда: ё шахсий чарчоқ ё андишасизликни, ё саводсизлик ё калондимоғликни ҳижоб қилиб, миллатнинг жиддий тадбирларига, ё ҳар хил йўллар билан ўзни уришни, ёки «тавозекорлик» билан ўзларини обқочишларини баҳолай билишимиз зарур бўлиб қолди.

Хива байрамида республикамиздан кўплаб истеъдод соҳиблари, санъат намояндалари, режиссёрлар, балетмейстерларнинг ҳам қатнашиши, ўзига хос малака алмашув, катта майдонда бир-бировнинг маҳоратига яқиндан қараш имконини берди.

Фонограмма устида ишлаш актёр учун ниҳоятда аниқ тажриба дастгоҳидир. Кимки театрга кирса ҳар ҳолда актёрнинг сўзларидан — талаффузидан сеҳр кутади. Кишининг руҳи баъзан талаффузида, сўз зикри, юки, зарби, ҳатто битта ҳарфнинг тил олди, тил орти ва ҳ.к. айтилишидан аён бўлади; Сўз ҳар ҳолда воқеани бошқариб борар; Урганчда актёрларга шу қадар танлаб, терилган сўзларни микрофонга ўқитиш пайтида умуман республикамиз театримиз рампаси ортида — актёр парда олдига бир қадам отишигача бўлган катта йўлда аҳвол ниҳоятда мураккаб эканини сездик.

Бу — тил, талаффуз ўргатувчи домлалар ёки институтлар дастурларига-да шаъма эмас! Шаъма — томошабинга ҳам. Бизни ҳалиям щийпонлардан аравларга босиб, театрга опкелишиб ағдаришяпти чамаси. Йўқса, йирик театрларнинг ундоқми-мундоқ комедиялар «пешига илашиб» ётиши ёки «шева»лаҳжа ўйинларининг чўзилиб кетиши бунча узоқ давом этмас эди.

Битта тўртликни ўн-йигирма дублда зўрға, уч актёрни алмаштириб ёзиб ололганимиз ниманинг белгиси?! Сўз ҳали актёр лунжига тўлишиб келмасдан, ўпкасидаёқ ўз қийматини йўқотиб, ғудурлаб қолар экан, улкан миллий туйғуларни томошабинга етказиш ҳақида нечук гап бўлиши мумкин!

Ҳа, ҳали миллатимиз руҳининг ипак арқоғи турли уруғ, қавм, майда-кичик чакалакзорлар оша ўтиб аён бўлиши керак экан! Ҳали «Шоҳ Эдип» ва ҳ.к. баландликларни орзу қилиш кўп мураккаб...

Мен драматург эмасман. Лекин ҳеч бўлмаса, Навоий ё Ойбекнинг сўзлари саҳнада, ҳеч бўлмаса тўғри айтилиши, изҳори тузук бўлишини талаб қилишга ҳаққим бор.

Гап фақат актёр ё унинг ижро даражасида ҳам эмас.

Баъзан катта майдонимиздаги томошаларда гоҳ «маймун, жирафа»ларнинг резина макетларига чапак чалиш, гоҳ мунгулча бўлиз мунграшларга бефарқи ҳол қараб ўтиравериш ҳам юқоридаги ҳайратларимизнинг давомидир.

Аммо...

Хивадаги томоша бир зарб, бир оҳанг каби, чалғимай томоша қилинди! Бу тадбир ҳосиласи — муъжаз майдондаги самимий, айни пайтда кўтаринки, руҳи, тарихий ранг-баранг жилолари учун, кўп одамларга ўз миннатдорлигимизни билдирар эдим.

Тўғри, диду таъбга таъм йўқ.

Сюжет устида, образлар ёинки баъзи актёр ё хонандӑнинг томоша тизимидаги мавқеи ҳақида бош режиссёр билан кўп тортишдик, олишдик. Аммо ҳаммаси тадбир такомили учун, топшириқни ёруғ юз билан уддалаш учун эди.

Дейлик, мен овоз борасида «максималист»ман. Паст эмранишлар миллат «қуввати»ни тушириб юборади деб ҳисоблайман. Эстрадамизда Хива томошасини бир поғона кўтарувчи овоз борми?! Дўсту биродаримиз кўп, лекин...

Ниҳоят, финални Муяссар Раззоқова ва Аваз Ражабов «Ватан азиздир!» (Анор Назаров мусиқаси, Жуманиёз Жабборов шеъри) қўшиғи билан якунлайдилар. Баланд овоз, соз баланд! Комилжон ва Отажоннинг нидоларини соғинганларнинг ҳам кўнгли таянч, устворлик топади.

Қайтарилмас, бетакрор файзли оқшом. Шубҳасиз, саҳна ташкилотчиси бош қаҳрамон — режиссёр Рустам Ҳамидов! Таниқли режиссёрларимиз Марат Азимов, Носир Отабоев...

Муқимий ва Урганч театри жамоаларининг нуфузли вакиллари... Муҳаммадали Абдуқундузов. Унинг салобатли овози. Даврлар довонлари орасидан асрларни асрларга, аждодларни авлодларга боғловчи овоз...

Юз минглаб қўл — тез имою иболар, белгилар қуюнини бир гулдастага жамлаган балетмейстерлар Қодир Муминов, Маъмура Эргашева, Насиба Мадраҳимова, Вилоят Оқилова, Гавҳар Матёқубова...

Ҳеч шубҳасиз улуғ анжуманни Хоразм қўшиқчилигининг ёш ва навқирон юлдузлари Фарҳоджон, Равшанбек, Бахтиёр, Оғабек, Шихназар, Азизаларнинг овозлари, гулзор ҳидлари мадҳини оламга ёйган булбуллардек, ярашиқ безадилар. Бу хушнуд ва бахтиёр даврани Азамат, Отамурод, ака-ука Эшчоновлар билан янада тўлдириш имкони ҳам бор эди. Ёшлик руҳи — умуман бу қутлуғ тўйнинг мавзун либоси, рангин қаноти бўлди. Бунинг чуқур рамзий хосияти бор. Улуғ боболар руҳи, авлиёларимиз дараклари шу кеч Миллатни, озодлик йўлига тушган навраста қалбимизни нурбахш қўллари билан бир қадам олға бостирди. Ўзлигини англай бошлаган халққа ушбу кифоядир.

Аммо «Хива-2500» тантаналарига нурли тож бўлган яна бир ҳодиса ҳақида алоҳида тўхталаман.

Бу — тантанали маросимда шахсан иштирок этган Президент Ислом Каримовнинг табрик сўзидир. Ушбу ҳаяжонли ва теран изҳорнома улуғ байрам мундарижасини ниҳоятда бойитиб, наинки байрам руҳига кўтаринкилик, балки Ватанимиз тарихида ҳали саволлар тўла бир қанча саҳифаларга ёрқинлик киритди.

Иқтибослар келтиришга ботинаман. «Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир муъжизадир...»

«Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир...»

«Миллий озодлигимиз тарихида Хоразм ўғлонларидан Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди миллий қаҳрамонларимиз...»

«Зардўштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилган...»

«...Хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қаҳрамонликдир...»

Мен бу ерда буюк алломалар, хоразмшоҳлар ва бошқа соҳаларга берилган янги тарихий баҳо, ижтимоий фикрнинг мукаррам, мавқедор кўринишлари ҳақида тўхталмайман.

«Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш — Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, ҳўп улуғ иш бўлар эди...»

Умуман ушбу табрик нутқи, мағзида бошқа қават-қават маъноларидан ташқари, бугун Ватанимиз тарихини қайта ўрганаётган тарихчиларимиз учун тож дастур, шоҳ йўлидир.

Ҳа, табаррук ва нурафшон айёмга кўп ҳам бўлмади, куни кеча матбуотда Президентимизнинг «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди...

Матбуотимиз Хиванинг 2500 йиллиги нишонланиши шаҳарга иккинчи умр бағишлади деб ёзди...

Бадеҳага хулоса қилишга шошилмайман.

Боқий руҳнинг ёрқин рақси давом этади. Унинг жозибали қирраларини, истиқбол сари тикка чизилган нурли қўлларини, абадий нурлар ҳаёт бахш этган жилоларини фақат озод қалблар, басират кўзлари некбин ва тоза бўлган назарлар илғайди. Бошқаларга бу ёруғликдан улашади.

Обуна-98

ХАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Мамлакатимизда вақтли матбуот нашрларига обуна мавсуми қизғин давом этаяпти. Газета ва журналларга ёзилишни хоҳловчилар бисёр. Бироқ уларнинг нархи... Рости ҳамманинг ҳам икки-уч нашрга обуна бўлишга имконияти чекланган.

Бироқ қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейди доно халқимиз. Шу ақидага амал қилиб, Навоий вилояти ҳокими махсус қарор чиқариб, 15 ноябрь куни вилоят бўйича хашар ўтказди. Унда ишлаб топилган маблағ матбуотни қўллаб-қувватлаш ва обуна мақсадлари учун ишлатилади.

Бобо САРОИЙ.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Дўстлик» ширкатлар уюшмаси кенгаши раиси К. Шодиевнинг хабар беришича хўжалик аъзолари илғор ишчи-хизматчилар, партия ва меҳнат фахрийларидан 50 нафари 1998 йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига хўжалик ҳисобидан обуна қилиниди. Хўжалик раҳбарияти ва уюшма партия ташкилоти обунани қизғин давом эттирмоқда.

Мунира АЗИМОВА.

БУЮК ҚАРДОШЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ

ИСЛОМ КАРИМОВ

ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИНИНГ

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА

РАСМИЙ ТАШРИФИНИ

САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Ўзбекистон ва Туркия давлат бошлиқларининг учрашуви икки мамлакат, икки қардош халқ алоқаларини янада мустаҳкамлашда янги саҳифалар очади.

Бизлар энг қадимий жондош-қондош халқларимиз.

Бу жондошлик абадийдир.

Туркия ва Ўзбекистон халқлари дўстлиги яшнайверсин!

"WEST INTERNATIONAL CO. LTD". TOSHKENT.

"ВЕСТ ИНТЕРНЕЙШНЛ КО. ЛТД". Тошкент.

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва СЕЙФЛАРНИ СОТАДИ



Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ - 1, 38-уй, 187-хонадон.

Мўлжал: «Электроника» магазини,

Телефон: (3712) 133-40-07, 132-14-25, 132-14-34.

АО "УЗМЕТАЛЛСАВДО" предлагает:

Наименование продукции	Ед. измер.	Цена за 1 тн (сум)	№ телефонов
1. Уголок 100мм	тн	60500	480882
2. Уголок 160, 140мм	тн	58300	-"-
3. Периодический профиль д.12 мм.	тн	29300	480882
4. Трубы чугунные-водонапорные-65мм.	тн	50000	484766
5. Трубы чугунно-канализационные-159	шт	1800	-""-
6. Сетка "Рабица" 20х20мм.	кв.м.	250	484707
7.Сетка сварная (дорожная)150х150	тн.	договорная	-"-
8. Сетка просечно-вытяжная 30х15	кв.м	-"-	-"-
9. Электроды свароч. АНО-4 д. 4мм.	тн	192000	-"-
-"- МР-3д.4.	тн	220000	-"-
10. Крепежные изделия различных размеров	тн	договорная	-"-
из них: болты с/г 10х100мм	тн	108000	-"-
гайки свободные М10	тн	-"-	-"-
винты 5х45-50 и другие	тн	65000	-"-
заклепки стальные различные	тн	7269	-"-
11.Титановый прокат	тн	550000	-"-
12.Латунный порошок	тн	116000	-"-

Наш адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин — 136.

Футбол

МАВСУМ ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунланишига бир кун қолганда совриндорлару омадсизлар маълум бўлганди. Сўнгги тур учрашувларида барча жамоалар эркин тўп суришга ҳаракат қилишди. Масалан, мамлакатнинг янги чемпиони МХСК «Зарафшон»ни қабул қилди. Бунда меҳмонлар ҳам астойдил ҳаракат қилишди. Армиячилар 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди. Армиячилар мавсум бошидан бери пешқадамликни қўлдан бермай келишди. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси пешқадамни ҳамиша қувиб келди. Лекин сўнгги турлардаги қоқилишлар бу жамоага чемпионликни қўлга киритиш имконини бермади. Тўпурарлар баҳсида эса «Дўстлик» ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов ҳаммадан ўзиб кетди. У сўнгги турда «Бухоро» дарвозасига иккита тўп киритиб, ўз ҳисобидаги жами голларни 34 тага етказди. Ушбу баҳсда иккинчи ўрин армиячи Нўъмон Ҳасановга насиб этди.

Мамлакат чемпионати сўнгги 34-тур учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди: «Янгиер» — «Сурхон» — 2:1, «Хоразм» — «Косонсой» — 4:1, «Андижон» — «Чилонзор» — 6:3, «Трактор» — «Атласчи» — 6:3, «Афросиёб» — «Пахтакор» — 2:2, «Суғдиёна» — «Навбаҳор» — 1:0, «Бухоро» — «Дўстлик» — 6:3, «Нефтчи» — «Насаф» — 3:3.

Куриниб турибдики, ушбу турда 6:3 ҳисоби уч марта қайтарилган. Энди турнирнинг якуний жадвалига эътибор қилинг.

Ю	Д	М	Т-Н	О
1. МХСК 29	3	2	109-42	90
2. «Нефтчи» 26	3	5	103-42	81
3. «Навбаҳор» 21	5	8	84-37	68
4. «Дўстлик» 19	5	10	87-56	62
5. «Пахтакор» 18	7	9	65-36	61
6. «Насаф» 15	8	11	68-57	55
7. «Бухоро» 16	5	13	57-55	53
8. «Суғдиёна» 15	7	12	51-46	52
9. «Зарафшон» 13	5	16	56-61	44
10. «Хоразм» 13	3	18	58-77	42
11. «Сурхон» 11	7	16	39-60	40
12. «Андижон» 11	6	17	54-62	39
13. «Трактор» 10	8	16	52-65	38
14. «Косонсой» 11	3	20	40-72	36
15. «Афросиёб» 8	8	18	35-73	32
16. «Чилонзор» 8	6	20	51-70	30
17. «Янгиер» 7	7	20	47-72	28
18. «Атласчи» 6	2	26	37-112	20

«Ўзбекистон овози» таҳририяти жамоаси газетанинг бўлим мудири Ҳамид Икромовга онаси **Инобат ИКРОМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри жамоаси раҳбарияти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, саҳна устаси **Хусниддин РАФИКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзуйжойжамғармабанк» Давлат акционерлик жамоаси «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси ўринбосари Фурқат Фатхуллаевич Нурхўжаевга онаси **Тожихон НУРХЎЖАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА